



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2016-yil 29-yanvar №5 (4352)

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ОЛАМ НИГОҲИ БИЛАН

Ўзбекистон тарихан қисқа давр ичида том маънодаги янги, мустақил давлатга айланди. Мамлакатда барча соҳаларда эришилган муваффақиятларнинг бош негизига — Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг "Ўзбек модели"га бугунги кунда дунёнинг қатор давлатлари катта эътибор билан қарамоқда, мазкур модел жаҳондаги кўплаб олий таълим муассасаларида тадқиқ этилмоқда.

Скан Ранжан ТАЙАЛ, Дехли университетининг Шарқий Осиё тадқиқотлари факультети профессори

Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик — бутун дунёнинг ҳавасини келтираётган муваффақиятлар асосидир.

СУНЬ ЛИЦЗЕ, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва мухтор элчиси

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бундан ҳам юксак чўққиларини забт этади.

Бернадет РЕЙНЖЕНС, Diplomatic Word журнали бош муҳаррири

Марказий Осиёнинг юраги ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашга катта ҳисса қўшмоқда. Бунинг самарасида минтақада сиёсий ва иқтисодий ривожланишга эришилди.

Ли Ук ХОН, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва мухтор элчиси

Ўзбекистонда етиштирилган қимматбаҳо пахта хомашёси жаҳон стандарти талабларига тўлиқ жавоб беради. Шу боис тўқимачилик индустрияси ҳам кенг тараққий топаёпти.

Пол КРАУЗЕР, "Montana" компаниясининг ишлаб чиқариш бўйича менежери (Германия)

Ўзбекистон заминидан турли даврлар ҳамда цивилизацияларга оид қарийб 8 мингта мейморий ва тарихий-маданий ёдгорлик мавжуд. Уларнинг аксарияти ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган.

Кацужи ЭБИСАВА, NHK телерадиокомпанияси ходими (Япония)

ОБОДЛИК

"Хар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим", дейдилар Соҳибқирон бобомиз "Темур тузуқлари" китобида.

"Улуғ аждодимиз, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлса-да, куч-қудрат зўрлик ва зўравонликда эмас, аксинча, адолат, ҳажмиҳатлик ва ҳамкорликда эканини ниҳоятда чуқур англаган", дея алоҳида таъкидлаб ўтади давлатимиз раҳбари "Темур тузуқлари" китобига ёзган "Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси" сарлавҳали сўзбошида.

"Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминидан тарбия ётади", дейилди Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақиллиги эришилган оstonасида" номли китобида.

Биз бу иқтибосларни бежизга кетма-кет келтирмадик. Биринчи ва иккинчи иқтибос ўртасидаги оралик муддат олти юз йилдан зиёроқ, учинчи ва иккинчи иқтибос орасидаги муддат эса атиги йигирма икки йилни ташкил этади. Ушанда Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганига эндигина тўрт ой бўлган эди.

Биз бугун она Ватанимиз, бутун халқимиз билан жонажон Истиқлолимизнинг йигирма беш йиллик — чорак асрлик муборак санасини ёруғ юз билан, фахру ифтихор, эзгу орзу-ниятларимизнинг завқу ҳаяжонлари билан қутиб олиш тараддулида яшамокдамиз. Фарзанд тарбияламоқдамиз, билим олмамоқдамиз, меҳнат қилмоқдамиз. Юқорида "Ҳаммасининг заминидан тарбия ётади" дея алоҳида ўқитилганидек, сертахлика дунёда синов ва имтиҳонларга дош бериб, меҳнату қийинчиликларни мардонавор енгиб биз жаҳонга кўз-кўз қилгулик озод ва обод Ватан қурдик, мутлақо янги онг ва тафаккур, истиқлол гоёси ва мафқураси билан мустақил давлат барпо қилдик. Фарзандларимиз шундай азиз Ватаннинг тарбияси ва ибрати билан камол топаётгани — юрт камоли ва равақига тимсол бўлгуликдир.

Юрт ободлиги, эл-улус нишотию нашъу намоси йўлида фидойилик билан умр кечирган Алишер Навоий бобомизнинг олижаноб ишлари, бу мавзуларда улуг аждодимиздан ёдгор қолган бетимсол

маънавий хазина ҳар бир ўғил-қизимиз учун бебаҳо тарбия мактаби бўла олади. "Шоҳи иш адл ила бунёд этар, /Адл бузук мулкни обод этар", дейдилар улуг шоиримиз "Хайрат ул-аброр" дostonида. Бугунги она диёримизнинг кўрку жамоли, ҳар гўша, ҳар манзилу маъвонинг жозибаси билан чиройи кўрган кишини ҳайратга соларкан, беихтиёр австриялик олмон олими ва ёзувчиси Фритс Вюртленг "Бобур — йўлбарс" киссасидаги Темурийода султон Умаршайх Мирзонинг ўғли Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ёзган хатидаги: "Биласанки, мен тинчликни яхши кўраман, тинч мамлакат бахтли мамлакат ҳисобланади", деган гаплари ёдга келади.

Давлат пойдевори — адлу диёнат, Шудир мамлакатнинг икки асоси, Орзулар учгайлар юксак ва озод, Кор қилмас оламнинг жанжал, нисоси.

Кундан-кун юксалиб боргайлар даврон, Ризку насибаси элнинг бутундир, Муҳташам қасрдир агарда замон, Адл ва диёнат икки устулдир.

Осмонлар бургутлар парвозига мос, Орзулар учгайлар юксак ва озод, Ниятлар боғлардай гуллагай қийғос, Юрт обод — эл обод, кўнгиллар обод.

Тўққиз фалақдан ҳам кўрингай аён, Заминдан таратган нур-зиёлари, Бу юртни сақлагай руҳлари омон, Асрагай азизу авлиёлари.

Нимадир аслида юртга сарварлик — Меҳрпарварликдир, миллатпарварлик. Қай элнинг шундайин сиймолари бор — Унинг дунё аро дунёлари бор.

Матоват шу танти зотларга тандир, Улар тимсолида марллик жам фақат. Уларнинг тимсоли — буюк Ватандир, Обод мамлакатдир, обод мамлакат.

Тахририят.

Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш — ўзлимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қарғида чуқур илдииз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажакимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Ислам КАРИМОВ

ТАМАДДУН ТОЖИДАГИ ЖАВОҲИР

Биринчи мақола

Кўҳна тарихдан маълумки, юртимиз бир неча бор буюк тамаддуларга бешик бўлган. Турли номлар билан аталиб келган бу заминнинг ўтмиши улуг ва шарафли. Диёримизда илк бор туғилган ҳаётбахш гоёлар, кашфиётлар дунёга кенг ёйилиб, кўплаб халқлар маънавий ҳаётида катта бурилишларга сабаб бўлган.

XIII аср бошида юз берган Чингизхон босқинидан култепалар қолди. Қарийб бир ярим аср давом этган вайронликлар остидан буюк тамаддун бош кўтариши, илм-фан, бунёдкорлик равақ топиши учун Туронзамин тарихий шароит

ва халоскор даҳога муҳтож эди. Файласуф Ф.Ницше: "Инсоният фавкуллда Буюк Шахсларни яратиш учун тинимсиз тер тўкиши лозим, чунки унинг вазифаси фақат шундан иборат", деганидек, инсоният XIV асрнинг биринчи ярмида шу улуг вазифани шараф билан уддалаган буюк соҳибқиронни камолга етказди. Буюк тарихий эҳтиёж Темурбек бобомизни дунёга келтирди. Тарихнинг бундай тантилиги сири хали тўқис англаб этилган эмас.

Темурбекнинг айнаи шу заминда дунёга келиши ва буюк шахс сифатидаги та-



рихий миссиясини теран идрок этмоқ учун Мовароуннахрнинг XIII-XV асрлардаги манзарасига назар ташлаш зарур. XIII аср биринчи ярмида Чингизхон лашкарлари гуллаб-яшанган шаҳар-қишлоқлар кулини кўкка совургани, суғориш тармоқлари, экинзорлар вайрон қилингани, нене ботир йигитлар тенгсиз жангларда шахид кетгани, давлатчилик, тартиб-қоидалар йўқ қилингани, масжиду мадрасалар ёндирилиб, муқаддас китоблар отлар туёғи остига ташлангани, ислом дини намояндалари хўрланиб, имон-эътиқодга путур етгани — бу тарихий ҳақиқат.

Давоми иккинчи саҳифада.

БОШ МАВЗУ — ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фаоллар йиғини бўлиб ўтди. Унда уюшманин 2015 йилги фаолияти якунлари ва жорий йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Уюшма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ўз маърузасида шу йил 15 январ куни Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислам Каримов маърузасида мамлакатимиз барқарор тараққиётининг асосий жараёнлари юзасидан тилга олинган муҳим масалаларга эътибор қаратди.

— Давлатимиз раҳбари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, 2015 йилда иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари ҳамда чуқур таркибий ўзгартиришлар, хусусий мулк ва кичик бизнес манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича ҳар томонлама пухта ўйланган, узокни кўзлайдиган кенг кўламли Дастур ҳаётга жорий этилиши натижасида иқтисодиёт ўсишининг барқарор ва юқори суръатларига ҳамда макроиқтисодий мувозанатга эришилганини алоҳида таъкидлади, — деди уюшма раҳбари. — Жумладан, ўтган йил якунлари бўйича мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8 фоиз, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошган. Амалга ошириладиган кенг қамровли тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 56,7 фоизга етиб, бу улус 2000 йил билан таққослаганда 1,8 баравар ўсгани, "Кексаларни эъзозлаш йили" Дастурида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 2,2 триллиондан кўп сўм ва 225 миллион доллардан ортқ маблағ йўналтирилгани каби рақам ва далиллар шу озод ва обод юртнинг онгли фуқароси сифатида биз ижодкорларни ҳам қувонтириб, қалбимизда чексиз фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди.

Давоми иккинчи саҳифада.

ЁШЛИК СУРУРИ ВА ҒУРУРИ

Ёшлик ўз сурури, ғайрат ва шижоати билан гўзал. Ёшлик — бетакрор, шиддатию сурвати тез фасл. Ёшлик — имконият, Вақт билан мусобақа. Бу мусобақада ёшлик ютиб чиқмоғи, Вақтни енгмоғи шарт ва жуда ҳам зарур.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО

ҲАЁТ ҚАДРИ

ДУРДОНАГА АЙЛАНДИ

Садафга кириб ишқим,
дурдонага айланди,
Ишқисиз қолган юраклар
хайронга айланди.

Минг йиллаб она замин
теграсида айланиб,
Офтоб ишқиди моҳ ҳам
парвонага айланди.

Орзу сўнган тилаклар,
муҳаббатсиз юраклар,

Оллоҳ берган шарафдан
таронага айланди.
Маъшуқа ойн учун
боссин деб пойи учун,
Ошиқнинг жисми жони
остонага айланди.

Муҳаббатни туғ қилиб,
юрагини чўғ қилиб,
Ошиқ бўлган йигитлар
мардонага айланди.

Ишқ бўлур ягона деб,
бир қалб бермиш одамга,

Шу бонски юрак ҳам
бир донага айланди.

Ёр васлига зор бўлиб
туну қун белор бўлиб,
Йиғлаб Машраб — қаландар
леводнага айланди.

Муборак жамолидан
маҳрум бўлиб, Қурбоннинг,
Ишқ қасри бир умрга
афсонага айланди.

ТЎРТЛИКЛАР

АЛ-ХОРАЗМИЙ ЗАЛВОРИ

Бу дунёни тарозуга солиб тортидим,
Бир паллага ал-Хоразмий "нол"ни ортдим.
"Нол"ни дунёмиздан оғирлигин кўриб,
Фахр нима, шараф нима — таъмин тотдим.

БИР КИМСА

Ким билмаса, берсанг юрагинг, билмас экан,
Нодон бари эзу тилагинг билмас экан.
Жонингни бериб, жонини асрашга уринма,
Нокас ахир ул, ҳеч керагинг билмас экан.

ҚАРЗ

Ҳаёт ҳеч шундайин берилмас текин,
Миннатдор бўл аввал гўзал маъводан.
Эй гофил, бергундир не олсанг, билки,
Қарзинг бор Куёшдан, Ердан, Ҳаводан.

ВАҚТ БОРИДА

Етмаган етмасин ҳаёт қадрига,
Сен вақт жиловин маҳкам тут қўлда.
"Эсиз", "аттанг"ларга қолажак бошинг,
Мудраб қолсанг агар, дўст, ўрта йўлда.



Қ.МАТРИЗОВ 1938 йили туғилган. Хоразм Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. Унинг йиғирмага ақин шеърли, насрий ва драматик асарлари жамланган китоблари чоп этилган.

Онам билан Ўрта Ер денгизи соҳилдамиз.

Поёни кўринмас яшилтоб сувлар тинмай долғаланди. Чағалайлар чийллаб учишади. Узоқларда оппоқ яхта кўпикли из қолдириб сузиб бормоқда. Чап томонимизда сув қаъридан бош кўтарган кичик тоғлар кўзга ташланади. Устида сийрак арчалар ўсган, ораларида оқиш қоялар кўриниб турибди. Бу ерларнинг ҳавоси тоза, чанг йўқ, балки намлик кўпчилиги туфайлимикин? Қизғиш йўлқалар йилтирайди, бахтиёр сайёҳлар тўда-тўда кезишади. Биронтасининг юзиде ташвиш кўрмайсиз.

Бошига қизил қалпоқча кийган йигитча патнисда чой опкелади.

— Sorry, do you want a cup of tea or maybe drink some?
— Ҳа, яхшимсиз, болам, — дейди онам. Кейин савол назари билан менга қарайди.

— Чой-шарбат ичасизми, деб сўра-япти.

— Қанақа чой экан?
— Аччиқ, қора.

— Сўра-чи, кўк чойи йўқмикин?
Куламан. Бу ердагилар унақасини ичишмайди.

— Ростданми? — хайрон бўлади онам.

Ўтган-кетганлар она-болага қизиқсиниб тикилишади.

Ўтирибмиз икковлон, тош устида.

— Роса чуқур бўлса кераг-а? — дейди онам, сув шовуллашига, оқ чағалайларга махлиё бўлиб.

— Қара-я, қанақа экан денгиз деганлари?

— Ҳа, жуда чуқур.

— Тавба, худойим шунча сувни яратибди-ю ичиб бўлмайдиган қилиб қўйганини кўр!

Бу маконларга онамни кўярда-қўймай олиб келганман. Шу гўзалликларни, шу оромни жуда илинганман. Кўрса завқланади, қалби қувнайди деганман. Сахролару тоғ-тошлар оша уча-уча, ниҳоят, манзилимизга кўндик. Улкан аэропорт, одам қайнайди, ҳар турли кишилар оломони бир лаҳза бўлсин тинмайди. Тизилишиб кетган ялтир-юлтир дўноқлар, охири кўринмас ўзюроқлар...

— Your attention, please! Flyght Air France number five five two to Paris is boarding now. Passangers are requested to proceed to gate number two two one!

Бегона тиллардаги мана шу шовқин-сурон аро онам ҳар ёнга аланглайди.

— Роса сув ичим келди-я. Боядан бери излайман, бирор жойда кўрмадим.

— Бу ерларда сиз билган шарқираб оқиб ётган сувлар йўқ-да, — дейман қулиб. — Сотиб олиш керак.

— Йўғ-э? — хайрон бўлади онам.

— Сувни-я?

— Сиз ўтириб туринг, мен хозир...

Бориб сув опкеладим. Одамлар сувни тўғридан-тўғри идиш оғзидан ичишаверади. Онам эса ўйланиб туриб "Пиёласи йўқмикин", деб атрофига аланглайди.

— Шундоқ ичаверинг, қаранг, ҳамма шунақа қиялпти.

— Э йўқ, қўйсанг-чи, уят бўлади.

Қайтиб бориб, қоғоз финжон олиб келиб, қуйиб узатаман.

— Бу ернинг суви ичишга ярамайди, — деб тушунтираман. — Шу сабабли тазаланганини ичишади.

— Вой, бечоралар...

Бир соатча вақт ўтгач, ўз уюғимизга чиқамиз кўзлаган манзилимизга етиб келамиз.

Бу — денгизнинг шимолий соҳили.

Субтропик иқлимнинг нам ҳавоси бетга уради. Қайдандир шабада шўр исини олиб келади. Биз отини билмайдиган анвойи дараклар барқ урган, ҳар тараф озода, топ-тоза.

Сайёҳларни кутиб олиш хизмати аллақачон шай турган экан, тез орада сароймонанд муҳташам масканга етиб келамиз. Олтинкори нақшлар кўзни қамаштиради. Тўхташимиз билан хизматчилар чопиб келиб, юкларимизни олишади.

— Вой, қўйинг, болам, — дейди



онаизор, бўҳчасини олган йигитчага.

— Инглигина-ку, ўзим оборавераман. Сиз овора бўлманг.

Йигитча хайрон бўлиб қарайди, кейин аравасини гилдиратиб бир дунё юк билан кутиб турган бошқа кишилар ёнига кетади.

— Одобли бола экан, таълим берган ота-онасига раҳмат, — дейди онам. — Она, буларни вазифаси шу.

— Вазифаси шу бўлсаям-да, — дейди она. — Қулиб туришини қара.

Исажон СУЛТОН

Хўмрайса нима қилардинг?

Икковлон "Оилавий" дейилган бир хонага жойлашамиз.

Бунақа хоналарга бир эшикдан кйриллади, аммо ичкарасида ёнма-ён иккита хонаси бўлади. Ҳар тараф ораста, сочиқлар оқуш шаклида ўраб-тахлаб қўйилибди. Ётоқларни кўздан кечираман.

— Хой бола, — дейди онам. — Кап-катта бўлсанг ҳам эсинг кирмапти-я? Еч оёгингдагини!

Қарасам, ўзи оёяланг бўлиб олибди.

— Бу ерда бўлаверади, — она, — дейман. — Ҳар куни икки мартадан тазаланди.

— Бекор айтибсан, — дейди онам. — Тазалашар экан деб оёқ ости қилаверсанми? Ўша фаррошлар ҳам бировинг боласи, меҳнатини қадрламайсанми?

— Ҳўп-ҳўп, — дейман қулиб.

Сахарлаб онам мени уйғотади.

Эҳ-ҳе, қанчалар соғинганман шу сасни, шу уйғотишни. Жилмайиб уйқудан кўз очиб саодати қанақа бўлишини билсайдингиз! Онангиз қойиб уйғотишининг фарогатини туйсайдингиз!

— Хой бола, тур! Мусича кукулаяпти, кун ёйилиб кетди.

Мусича? Бу ерда мусича бор эканми?

Ростдан ҳам қайдандир — баҳайбат япроқли пальмалар, тўп-тўп шамшодуллар орасидан ўша қадрдон сас эшитилапти. Кўз ўнгимга айвонимиз, тоб ташлаган устунлар, миҳга илиб қўйилган чўпсават, хас-чўп ташиб қукулган қушлар, барқ уриб гуллаган бодом келади.

Онам хушхол, жилмайиб турибди. Ўзимча ҳазиллашаман, онаизор эса қувнаб кулади. Бундай қувнашини кўп йиллардан бери энди кўрмоқдаман.

Мен университетга кирганимда шунақа қувнаган эди. Қизим туғилганида ҳам... Баъзан байрамларда, ҳайитларда қўйлаб олиб берсам шунақа суноарди.

Мана, узоқ эллардамузу аммо кўзиде ўша, ўзим яхши кўрадиган севинч учқунлари.

Юради, аланглайди. Теваракка разам солади.

Арчалардаги олмахонлар шохдан-шоҳга қолишади. Онам уларни кўриб, боладай суноади. Олмахонлар одамлардан ҳайқишмайди, биттаси олд панжаларида бужурини тутиб, кичкин қора кўзларини бизга тикиб турибди.

— Вой, айланай, — дейди онам. —

Мунчоқ кўзчаларини қара! Ҳай, жонивор келақол, ўргилай сендан!

...Овқат маҳали ресторанга қирамиз.

— Вой-бўй, — дейди онам, у ердаги неъматларни кўриб.

Ҳақиқатан ҳам, дунё микёсидаги кўнгилочар масканларнинг мижозларга хизмат тизими бехисоб егуликларни қалаштириб ташлаган. Тўртта ресторанда одам гўжон. Кишилар қўллариде товоқчалари билан айланиб, кўнгиллари тусаган нарсани олишяпти. Таомларни саногига етолмайсиз.

Бир томонда тўп-тўп ширинликлару мевалар, турли халқларнинг тансиқ таомлари, итальянларнинг ҳар хил пиццаасидан японларнинг "суши"сига-ча бор. Олавер, дейди замонавий маркетинг. Истаганинча завқлан, лаззатлан! Биз фақат сенинг ороминг учун хизмат қиламиз! Нарироқда анчамунча киши қовурилайётган тухумга навбатта туришибди. Булар — эрталаблари куймоқ еб ўрганган кишилар.

Баъзилари бола-чақаси, оиласи билан келган, калта шим кийган чол-кам-пирларгача бор. Аммо онаси билан келган ўғил кўринмайди.

Онам озгина овқат олди. Бориб, гилос шарбати опкелиб бердим.

— Шу холосми? — дедим кам еганини кўриб. — Мўл-қўл-ку, тўйиб еб олмайсизми?

— Кўйсанг-чи, — деди онам. — Қорнин озгина нарсасига тўяди. Исроф бўлмасин...

Теваракни айланамиз. Пальмалар типпа-тик бўй чўзган, хитой атиргуллари бутатай бўлиб ўсиб кетган. Ҳавода чучмал ис бор. Дарахтлар орасидаги ғалати чирилдоқлар қаттиқ овоз чиқариб чириллашади.

— Мунча бақирмася? — деб сўрайди онам. — Ўзимизнинг чирилдоқларим шулар?

— Йўқ, бошқача, — дейман. — Бор-йўғи икки кун яшайди. Жуда қаттиқ чириллаб, бақира-бақира ёрилиб кетади.

— Э тавба, ўзимизникилар эслироқ экан-да, — деб қулиб юборади. Оқшом кўнган.

— Тавба, кечалариям бир бошқача-я, — дейди онам. — Худо кечани ҳам турли қилиб яратиб қўйганини кўрмайсанми?

— Нимаси бошқача экан?

— Билмадим. Чиройли аммо бошқача-да... Одамлари-чи? Биров билан бировнинг иши йўғ-а...

Тунги кафелар атрофида оломон зич. Қайфу сефо масканларида хавога мушаклар отилади. Салдан кейин ёнгинамизда бир нима қаттиқ гўмбурлайди: мусиқий кўнгилхушлик бошланади. "Оборайми?" деб сўрайман онаизордан.

— Йўқ, — дейди онам. — Ундан кўра юр, денгизга борамиз...

Сарин кечада она-бола қўл ушлашиб, соҳил томон кетамиз.

Чароган чироклар ёғдусида қорамтир тўлқинлар йилтирайди. Кечки шамол турган, уни "бриз" дейдилар. Соҳил тинч, ҳеч ким йўқ. Сал нарироқда, пальмалар остида севилган жуфт кўзга ташланади.

Онам ўйчан.

— Она, нималарни ўйлаясиз? Индамайди.

Хавога булут чиқади. Биз билгандай эмас, пага-пага, қорамтир-қуларанг. Уни денгиз ичкарасидан шамол суриб келади. Шамол сувни ҳам, булутларни ҳам бирдай суради.

Денгиз долғалана бошлайди.

— Балиқлари ҳам бўлса керак?

— Ҳа, албатта.

— Бўлади-да, — дейди онам. — Ховлимизни этак томонидеги кичкин ариқча бор-ку, баҳорда қарасанг, ўшани сувидаям минглаб майда балиқ милтиллаб сузиб юрарди. Шун-

дай катта денгизда бўлмасинми? Яна термулади.

— Она, бир жойингиз огримаяптими?

— Йўқ, болам.

— Нимага бошқача бўлиб қолдингиз?

— Ўзим...

Икковлон жим қоламиз.

"Онам... ўзгариб қолибди", деб ўйлайман билдирмасдан разм солиб. Қаддини тик тутиб, мағрур юришлари ўша-ўша, бироқ... аввалги шиддати сезилмайди. Секироқ, авайлаброқ қадам босади. Мен олдин кўрмаган, пайқамаган кўп хавотирлар бор бу қиёфада.

Шу маҳалгача онам ҳали тетик, ўзини олдирмаган деб ўйлар эканман. Бир оз юрса тинкаси қуриётган, оғзи қуруқлаб "Сув йўқмикин", дейишлари, салдан кейин ўтиргани жой излаб аланглашлари... Қўлни кўзларига соясон қилиб узоқ-узоқларга қийнаиб термулишлари... кексалик деган куз фасли онамнинг умр боғига етиб келганини кўрсата бошлабди.

Ҳа, онам ўзгарибди. Менга боладай итоат қилиши-чи? Бошқа йўлак қараб кетаверса "У ёққа борманг" десам, "Хўп" деб ортига қайтишлари,

қайла бурсам эргашилари, худди боламдай итоаткор бўлса-да, бу ҳам етмагандай, чиройли манзаралару хуштаём егуликларни илинчилари... бир завқимни келтирса, бир хавотиримни оширади. Ҳар дийдор ониде ёнида бўлиб, шуларни сезмаганимни қаранг.

Қуш товуши яна хаёлимни бўлади.

— Тавба, дейди онам.

— Ўзимизда Зухра ая деган бир хотин бор, — дейди кейин. — Тошкентга келаятганимиз томонга нон уюғи тикилиб қолибди. Сув ичсаям кетмасмиш, йўталсаям чиқмасмиш. Тошкентга етиб келиб, энди дўхтирга оборамиз деб туришса, ўғли елкасига бир урган экан, отилиб чиқиб кетибди дегин. Бир мусича нон уюғини шундоқ чўкибди пир этиб учиб кетибди. Худойим ўша қушчанинг ризқини шунча жойдан томоғимнинг ичиде олиб келди-я, битта мусичанинг ризқи деб жоним қанча қийналганимни айтмай-сизми, дейди. Биз ҳам эл-юртдан узил-иб шунча олисга келганимизнинг бир ҳикмати бордир, йўлимизни бежиз шу ёққа бурмагандир?

Онам хардамхаёл, қошларини чимириб-чимириб, бир нималарни ўйлапти.

Тик қадли шамшодларга, улкан чинни атиргуллarga термулади, ямояшил барқут япроқларини силаб кўрадио хаёли ўзида эмас.

Тагин денгиз бўйига чиқамиз, ўша ердаги тахта ўриндиқлардан бирига ўтирамиз.

— Яна нималарни ўйлаясиз, она? Тириш юзларига, ўзим яхши кўрадиган гадир-будир қўлларига тўйиб-тўйиб қарайман. Онам узоқларга тикилади, ўйларини билиб бўлмайди.

Бир маҳал кўзидан ёши дув этиб оқиб кетади.

— Она? Нима бўлди?

— Билмасам, — дейди ўзини тўхтатолмай. — Ўпкам тўлиб кетди, жон болам.

Теваракка термулади, рўмолининг учи билан мижжаларини артадио ҳеч ўзини босолмайди.

— Нима бўлди, ахир?

— Энанг... — дейди ёш боладай ҳикиллаб. — Келишимизда дунёда шунақа чиройли жойлар бор, сизга илдинг деддинг-ку? Мен ҳам энангга илиниб кетяпман...

Елкалари силкиниб-силкиниб, ўпкаси тўлиб-тўлиб йиғлайди. Не қиларимни билмайман.

Бир гапирди, бир ўқинади.

— Болам-чакам деб сира тинмасди боқкиш. Иссиқлардаю совуқларда жонини жабборга бериб уринарди. Далаларда ишларди, етмаганига сигирга емиш бўлсин деб тутқатор ораларида ўт ўриб, ўшанча жойдан бошига қўйиб кўтариб ҳам келарди. Шом қўниб-қўнмай овқатга уриниб кетарди, эрталаблари аллақачон сут соғиб, ҳовлини супуриб, ўчоқда чой қайнатиб улгурган бўларди. Шу жойларга қараганим сайин эсимга энанг келяпти...

Денгиз шовуллайди, тўлқинлари кўпиклиб оёқлари остига бош уради-да, ортига қайтади.

— Меҳнатлар, захматлар, қанчадан қанча қийин-машақатли кунлардан, ўйласам, ичим тўлиб кетаяпти. Отанг, сингилларинг, қўни-қўшнилари... бари кўз олдимга келиб туришибди. Болажон, бу жойлар ниҳоятда ажойиб экан... Умрим бино бўлиб кўрганам дастурдонда бир бурда нон-чой, нонпалов, ёвгон бўлди. Етти пуштим етти ухлат тушига кирмаган жойларга опкеб кўйдинг-у... Мана, эртага тонг ҳам отади. Шу чиройли сувлар

дингиз, шунча болани воёга етказаман деб уриниб-тиришдингиз. Ажойиб елканли кемаларни, куй чаладиган қоятошларни кўрсатаман деган эдим-ку? Ҳа, дунё шунақа кел, ажойиб, шуларга махлиё бўлиб, қалбингиз бир дам яйрайди, деган эдим...

Бўлмади-ку? ...

...Аэропортга келамиз. Сафар қарибди.

Нотаниш тиллардаги турли-туман эълонлар орасидан бирдангиза иссиқ, қайноқ бир сўз янграйди:

— Your attention, please! Flyght Uzbekistan Airlines number two seven two to Tashkent is boarding now. Passangers are requested to proceed to gate number two two five? ...

— Вой, Ўзбекистон дедими? — атрофига аланглаб сўради онам.

— Ҳа, она. Тошкентга уақдиганлар фалон жойга борсин, деяпти.

— Отингдан айлиниб кетай, қулоғимга бирам иссиқ эшитилди-я, — дейди онам. — Юрақол, болам.

Онам менга хушхол қараб турар, нигоҳида севинч балқирди. Ўша, мен университетга ўқишга кирганимдаги, қизалоғим туғилганидаги, янги қўйлаб олиб берганимдаги севинч...

— Умрим бино бўлиб денгизни кўрмаган эдим, — дейди онам ўйчан.

— Қара-я, ниҳоятда бепоён, шовуллайдиган бўлар экан. Халқини шу боқар экан-да...

— Тавба, кимдир шунақа жойларга келиб махлиё бўлиб, маза қилиб дам олиб кетса, мени ўйлаганларимни қара, — деб хушхол кулади. — Энди, шунақаман-да, болам. Эл-юртсиз денгизимиз, тоғимиз татиримиди?

— Мана, шунча кун юрдигу еганим ичимга тушмади. Худо яратиб қўйган шу мўъжизаларини бир ўзим кўраётганимдан иймандим. Сингилларинг, амма-хоналаринг, тоғою амакиларинг, тумонат халқ турибди у ёқда. Қўшни тўй бошлаб қўювди, тоғанг қиз чикармоқчиди...

Кейин чингоқ парчасини кўрсатди.

— Шунин олволдим, — деди. — Сувда чиройли кўрнани деддинг-ку? Обори кўрсатай, қулоғига тутиб шовуллашимиз эшитишсин. Худо хоҳласа, кейинги гал ҳаммамиз келамиз, ўшанда маза қилиб яйраймиз.

Нимамиз дердим? Ўх-хў, шунча одамни олиб келиш осонми? Лекин онамнинг сўзлари қалбимга қувват бахш этди. Ҳа, албатта келамиз. Ахир, бир ўзим учун эмас, яқинларим, жигарларим учун тер тўкаман-ку. Шуларнинг қувнаши, яйрашини истайман-ку? Бир менгина эмас, юртда ҳеч ким ёлғиз ўзи учун уринмайди.

Кўпчилик учун, рўзгорим, болам-чакам, отам-она

НИҲОЛЛАР, НАВНИҲОЛЛАР

Истиқлол фарзандлари

Муסיқага муҳаббат Асадбек Султонов учун аслида бобосидан мерос туйғу. Қорақалпоғистонда оркестр ижрочилиги ривожига катта ҳисса қўшган таниқли композитор Абдураим Султоновнинг невараси келажакда етук хонанда бўлиб етишса, ажабмас. Нукус шаҳридаги 12-Болалар муסיқа ва санъат мактабининг вокал-эстрада бўлимида тахсил олаётган ёш ижодкор турли фестивал ва танловларда ўз истеъдодини намойиш этмоқда. 2013 йил "Камалак юлдузлари" танловида голиб бўлган Асадбек 2014 йили Болалар муסיқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг республика тан-

лови лауреатига айланди. Айниқса, якунига етган 2015 йил ёш иқтидор соҳиби учун ижодий ўтқўларга бой бўлди. Пойтахтимизда ўтказилган академик чолгулар, эстрада ва анъанавий ижрочилик буйича "Истеъдод" халқаро танловида иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Беларуссияда ўтган "Золотая пчелка" XV халқаро болалар ижодиёти фестивалида ёрқин ижроси билан мухлислар эътирофини қозониб, биринчи ўринга сазовор бўлди. Ёш ижодкорнинг келажакдаги орзуси Ватанимиз санъатини жаҳонга машҳур қилишга қодир моҳир хонандага айланиш.



"Бухоро гўзаллари" рақс гуруҳи 2013 йили Бухоро шаҳридаги 1-Болалар муסיқа ва санъат мактаби қошида ташкил этилган. Унинг истеъдодли аъзолари — Шаҳинабону Олимова, Камола Мухторова, Фарангиз Шарипова, Севинчбону Олимова, Мадианабону Сатторова ҳозир хореография бўлимининг 3-синфида тахсил олишмоқда. Эътиборли жиҳати, жамоа репертури асосан миллий рақсларимиздан тuzилган. 2015 йили Ригада ўтказилган халқаро рақс олимпиадаси — "Dance Olympiad Riga"да "Бухоро гўзаллари" фольклор йўналишида биринчи ўринга сазовор бўлди. Дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган юздан ортиқ болалар рақс жамоалари беллашган ушбу нуфузли анжуманда ўзбекистонлик истеъдод соҳибларининг чиқишлари мухлисларни ҳайратга солди. Айниқса, жажжи қизалоқлар ижросидаги "Бухорча" рақси халқаро танловнинг ёрқин воқеаларидан бирига айланди. Жамоа раҳбари, тажрибали рақс педагоги Мафтуна Муҳаммадиева ҳозир шогирдларини Испанияда бўлиб ўтадиган навбатдаги халқаро танловга тайёрламоқда.

Мадианабону Одилованинг хонандалик санъатига қизиқиши созандаликдан бошланган. Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманидаги 24-Болалар муסיқа ва санъат мактабида дастлаб фортепиано бўлимида ўқиган қизалоқ вокал сирларини ҳам ўрганишга киришди. Устози Мансур Султоновнинг айтишига қараганда, ёш ижодкор мумтоз ҳамда турли йўналишдаги қўшиқларни бирдек маҳорат билан куйлашга қодир. Бу хонандалар орасида кам учрайдиган ноёб ҳислат. 2015 йили Мадианабону поитахтимизда ўтган "Иқтидорли болалар" халқаро фестивалининг вокал йўналишида голибликни кўлга киритган бўлса, Анталияда ўтказилган "Altin Gunes" халқаро фестивалида ўзбек ва хориз қўшиқларининг моҳир ижроси учун эстрада йўналишида иккинчи ўрин билан тақдирланди. Янги йилда у республика ва халқаро миқёсдаги бир қатор танловларда иштирок этишга тайёргарлик кўрмоқда. Бу ижодий режалар ёш истеъдод соҳибасини янги изланишлар сари чорлаши шубҳасиз.



Келажакимиз эгалари бўлмиш фарзандларимиз камолоти, уларнинг баркамол шахс сифатида вояга етишида маънавий, бадий-эстетик тарбиянинг аҳамияти катта. Санъатга ошўфта, муסיқаю рангасвир билан шугулланган болалар кўнглида ёмонлик бўлмайди, деб бежиз айтишмаган. Умид билан парвариш қилинган ниҳол бир кун келиб, албатта, ўз мевасини беради. Президентимиз ташаббуси билан 2009-2014 йилларда мамлакатимизда замонавий ўқув ускуналари ва муסיқа асбоблари билан жиҳозланган икки юз саксонга яқин болалар муסיқа ва санъат мактаблари ишга туширилгани аслида маънавиятимиз келажакга учун мустаҳкам пойдевор эмасми! Мазкур ўқув даргоҳларида бугун кўплаб иқтидорли болалар, ноёб истеъдод соҳиблари камолга етмоқда. Улар орасида мамлакатимиз ҳамда халқаро миқёсдаги фестивал утанловларда юқори ўринларни эгаллаб келаятган навниҳол истеъдодлар бисёр.



Севинч Валиева эндигина тўққиз ёшни қаршилаган бўлишига қарамай, миллий рақсларимизни ижро этишни бошлади, кўз узолмайсиз. Мажнунтол шоҳларидек чиройли кокиллари, беғубор табассуми ўзига ярашиқ атлас либоси нафис ҳаракатларига шундай уйғунки, гўё саҳнада шўх бир қўшча парвоз этаётгандек туюлади. Қаршингизда Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги 25-Болалар муסיқа ва санъат мактабининг хореография бўлими 4-синф ўқувчиси рақсга тушаётганига ишонмайсиз. Тўғри, рақсга тушишни барча болалар яхши кўришади, лекин Севинч каби ноёб истеъдод соҳиблари доим ҳам учрайвермайди. Устозларининг айтишича, қизалоқнинг эшитиш қобилияти кучли ривожланган, энг қийин рақс ҳаракатларини ҳам осонлик билан ижро этади. Нафақат истеъдоди, балки тиришқоқ ва изланувчанлиги билан ҳам тенгдошлари орасида ажралиб турувчи Севинч турли танловларда фаол қатнашиб келмоқда. 2014 йили Ёш ижодкорлар республика танловининг шаҳар босқичида учинчи ўринни эгаллаган бўлса, 2015 йили Болалар муסיқа ва санъат мактаблари ўртасида ўтказилган республика кўрик-танловида иккинчи ўринга сазовор бўлди. Бу қизалоқ келажакда рақс санъатимизнинг моҳир усталари қаторидан жой олишига чин дилдан ишонгинг келайди.

Истеъдодли ёш хонандалар Толибжон Тўхтасинов ҳамда Гулзода Хусанбоевани мақом санъати ихлосмандлари "Yoshlar" телеканалининг "Тараннум" кўрсатувидаги чиқишлари, турли байрам ва концерт томошаларидаги ижролари орқали яхши танишади. Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги 3-Болалар муסיқа ва санъат мактаби ўқувчилари бўлган бу ёш ижрочилар кўплаб танлов ва фестивалларда юқори ўринларга сазовор бўлишган. Толибжон "Санъат гўнчалари", "Болалик баҳори", "Истиқлол гўнчалари" сингари республика кўрик-танловларида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Гулзода Болалар муסיқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг республика танловида иккинчи ўринни, шоира Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган "Замонамиз куйчиси" кўрик-танловида иккинчи ўринни кўлга киритган. 2015 йил октябр ойида Боқуда ўтказилган "Мугом" VII халқаро фестивалида Гулзода ва Толибжон дуэти иккинчи ўринга сазовор бўлди. Озарбойжон мугомини катта маҳорат билан куйлаган ўзбекистонлик истеъдодларнинг чиқишлари бир қатор хориз телеканалларида ҳам намойиш этилди. Ёш ижрочилар ҳозир санъат мактаби қошида ташкил этилган "Тарона" анъанавий хонандалар бадий жамоасининг аъзоси.



Фаргона шаҳридаги 3-Болалар муסיқа ва санъат мактабининг тасвирий санъат бўлими 3-синф ўқувчиси Комрон Шокиров чизган гўзал рангасвир асарларига назар соларкансиз, буюк испан rassomi Пабло Пикассо нима сабабдан умри давомида болалар ижодига ҳавас билан қараганини, мусавирлик истеъдоди аслида ёш танламаслигини англайсиз. Ўтган йили Санкт-Петербургда бўлиб ўтган "Звуки и краски белых ночей" III халқаро муסיқий-бадий ижодиёт кўрик-фестивали ҳам

буни исботлади. Анжуман доирасида ўтказилган "Арт-пензэр" танловида иштирок этган Комрон очик ҳавода жонли табиат манзараларини тасвирлаш борасида маҳоратини кўрсатиб, Гран-прига сазовор бўлди. У 2016 йил май ойида Сочида бўлиб ўтадиган "Магнолия диэри" халқаро арт-пензэрида иштирок этиш ҳуқуқини ҳам кўлга киритди. Ёш ижодкор қаламига мансур ёрқин табиат манзаралари, рангбаранг натюрмортулар портретлар ўткир нигоҳ, ўзига хос дунёқараш махсулидир.

Ўртимиз серкирра иқтидорга эга жажжи ижодкорларга бениҳоя бой. Улар кўлга киритаётган ижодий ютуқлар салмоғи кун сайин ошиб бормоқда. Демак, нафақат санъатимиз истиқболига, балки келажакимиз эгаларининг соғлом маънавиятли инсонлар бўлиб вояга етишига ҳам ишонч ортмоқда. Фарзандларимизнинг ижодий қизиқиш ва интилишлари, кўнгли-қувватлаш, ёрқин истеъдодларининг камол топиши йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз истиқлолимизнинг беқийс шарофатидир.

А.ИММОВ тайёрлади.

Малика ЭГАМБЕРДИЕВА: "УСТОЗ КЎРГАН КАМ БЎЛМАЙДИ"

Кўпичча санъаткорлар оиласида усган болаларнинг аксарияти бирор санъат йўналишини танлаб, ўз йўлини топиб олганларига гувоҳ бўламиз. Чунки фарзанд камолида онлавий муҳитнинг ўрни беқийс. Айниқса, санъатга ошно бўлиб улгайган болалар гўзалликка, эзгуликка интилиб яшашга ўрганадилар.

— Мен санъаткорлар оиласида ўсиб-улгайганимдан ҳамisha фахрланаман, — дейди "Ниҳол" мукофоти совриндори, "Эътироф — 2015" тақдими тоғлиби, эстрада хонандаси Малика Эгамбердиева. — Наманган вилоятининг Поп туманида туғилганман. Ота-онам Маданият институтини тугатиб, режиссёр сифатида туманимизда фаолият кўрсатишган. Алиёр акам билан болалигимиздан мумтоз ашулалар, ўзбек халқ қўшиқларини тинглаб катта бўлганмиз. Иккимиз "Фаргона тонг отгунча", "Отмағай тонг" ашулаларини, "Тановар"ларни ўзимизча хиргойи қилиб юраддик. Уйимизга таниқли санъаткорлар тез-тез келиб туришарди. Уларнинг суҳбатларидан баҳра олардик. Кўшиққа муҳаббатимизни кўрган ота-онамиз акам иккимизни аввал муסיқа мактабида, кейин маданият коллежида анъанавий хонандаликка ўқитишди. Бу, шубҳасиз, кейинги ижодий йўлимизда пойдевор бўлди.

кўяётганларнинг асосий хатоси ҳам ҳақиқий устозлар ўғитишда бебаҳара эканлигида, деб ўйлайман. Менга илк устозим Аброр Дўстматов, қолаверса, Фанижон Ваҳобов, Ўлмас Расулов, Маффуза Каримова, Махмуд Тожибоев каби миллий муסיқамиз билимдонларидан ўрганганларим ҳамон фойда беради. Уларнинг ҳар бир гапини жон кулоғим билан тинглаб, имкон қадар хотирам сандиғига жойлашга ҳаракат қилганман.

Хозир ҳам бирор янги ишга қўл уришдан ёки бирор тадбирга тайёргарлик кўришдан олдин, албатта, Махмуд Тожибоевдан, Озодбек Назарбеков, Гулсанам Мамазоитова, Отабек Муҳаммадзоҳиддан маслаҳат сўрайман, фикрлашаман. Баҳодир Йўлдошевдек таниқли санъаткор ҳам бирор марта мурожаатимни эътиборсиз қолдирмаган. Шунинг учун ҳам биз ёшлар сўрашдан, ўрганишдан асло уялмаслигимиз керак. Ўз ишини усталаридан ўрганиш, уларга яқин юриш ҳеч кимга зиён қилмайди. Донолардан бири "Ҳаёт уни ўрганадиган кишиларгагина ўргатади", деганда қанчалар ҳақли бўлганини тушуниш қийин эмас.

— Санъат кишиси қандай фазилатларга эга бўлиши керак, деб ўйлайсиз? — Санъатнинг ҳар қандай тури инсон маънавиятини юксалтиришга ҳизмат қилишини назарда тутсақ, санъаткорнинг ўзи юксак маънавиятли шахс бўлиши керак. Бунда энг биринчи ёрдамчи китоб! Китоб одамнинг дунёқарашини кенгайтиради, тафаккурини бойити, умуман, жуда кўп нарса-

ларга ўргатади. Ўзим ҳам ижоддан бўш вақтларимда китоб ўқийман. Айни пайтда саргузашт асарлар мени жуда қизиқтириб қолган.

Шунингдек, ҳар бир санъаткор саҳна маданияти ва этикасига риоя қилиши шарт. Бунинг учун одам, аввало, ўзини ҳурмат қилиши керак. Ана шунда бошқалар ҳам уни ҳурмат қилади. Энг муҳим талаблардан бири имли бўлишга, профессионализмга интилишдир. Бу борада биз хонандалардан, назаримда, адабиётни, муסיқани яхши тушуниб олиш, кейингина саҳнага чиқиш талаб этилади. Кўпроқ миллий оҳангларни тинглаш

лик билан боғлиқ ҳолат. Шу сабаб, бу оҳанглар борасида, албатта, мутахассислар билан маслаҳатлашаман.

— Маликахоҳон, ўзингиз ҳам яхши биласиз, бугун ёш истеъдодларга барча имкониятлар эшиги кенг очик, истеъдодларини намойиш қилиш учун шарт-шароитлар муҳайё. Айни пайтда давр ёшлар олдига маълум талабларни ҳам қўйяпти. Айтилик, жонли ижро масаласи...

— Бугун мухлисларда жонли ижрога талаб кучайган. Қувонарлиси, томошабин фонограмма ва жонли ижронинг фарқига борапти. Айниқса, катта концерт залларига орзу қилиб, вақт ажратиб, пул тўлаб кирган томошабин чинакам хордик чиқаришни, хонанданинг жонли ижросидан завқланиб томоша қилишни хоҳлайди. Ўтган йили "Истиқлол" концерт саройида илк яққохон дастуримини мухлисларга жонли ижрода тақдим этдим. Тўғри, камчиликлар ҳам бўлди, лекин энг асосийси, томошабинлар олқиши менга куч-қувват, ишонч бағишлаб турди. Одамларнинг меҳри, юрак ҳароратидан илҳомланиб, яйраб куйладим.

— Кўшиқнинг туғилиш жараёни қандай кечади, кимлар билан ҳамкорлик қиласиз?

— Асосан Иқбол Мирзо, Махмуд Тоир, Рислиғой Хотамова, Халима Аҳмедова каби шоирлар ижодига мурожаат қиламан. Ёки бирор фикр, гоҳ тўғилса, ўзим шоирлардан илтимос қиламан. Масалан, "Отан келур" кўшиғи Нодир Азимов билан шундай ҳамкорлик асосида дунёга келган. Бўлиқларимни овозга, сўзга, бўғин бўлинишларига эътибор берадиган студияларда ёздиришга ҳаракат қиламан. Озодбек Назарбеков студиясининг овоз режиссёри Дилмурод Маткаримов ана шундай ўз ишини пухта биладиган ижодкорлардан.

Хабарингиз бўлса, Нодир Умаров ва Дилшод Аҳмадшо муסיқаси билан Навоийи газали асосида "Қолмасун" кўшиғини куйлагандим. Шу анъанани давом эттириб, Нодирабегим, Зебунисо, Увайсий газаллари билан кўшиқлар ижро этиш ниятим бор. Яна Отабек Муҳаммадзоҳид, Гулсанам Мамазоитова, акам билан биргаликда "Ака-сингиллар" номли кўшиқ устида ишламоқчимиз.

Гулчехра УМАРОВА суҳбатлашди.



Учрашув

МАДАНИЯТ МАРКАЗЛАРИ

Халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маданий-маърифий эҳтиёжини қондириш, уларнинг бўш вақтини маъмул ўтказишни таъминлаш мақсадида ҳукуматимиз қарорига асосан жойларда замонавий андоза-

ишга туширилди. Уларнинг очилиш маросими ўзига хос байрамга айланиб кетди. Тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, фахрийлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам иштирок этишди. Кези келганда таъкидлаб ўтиш жоизки, "Қипчоқ" маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошида "Қипчоқ қишлоғи тарихи музейи" ташкил қилинган.

Вилоят янгиликлари

ларга мос бўлган маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ишга туширилмоқда. Жумладан, Хоразм вилоятида 2018 йилгача учта намунавий лойиҳа асосида етмишга яқин марказларни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ўтган йил якунига қадар ана шу масканлардан ўн бештаси фаолиятини бошлади. "Соғлом она ва бола йили"нинг дастлабки ойида Богот туманининг Қипчоқ ҳамда Қўшқўпир туманининг Хадра қишлоғида замонавий муסיқа асбоблари ҳамда спорт анжомлари билан таъминланган янги марказлар

Ундан қишлоқнинг ўтмиши ва бугунги кунини, урф-одат ва удумлари акс этувчи экспонатлар жой олган. — Шу йил охиригача воҳамада замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг сони янада ортади, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Шокиржон Мадаминов. — Аминманки, ушбу масканлар, қишлоқ аҳолисининг бўш вақтини унумли ўтказиш, миллий қадриятларимиз билан яқиндан танишишга хизмат қилади.

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА

Олам ёшлар нигоҳида

Тошкент Фото уйида фотосурат мактаб-студияси битирувчиларининг ҳисоб-кўргазмаси ташкил этилди. "Соғлом она ва бола йили"га бағишланган экспозицияда юздан ортиқ портрет, манзара, натюрморт сингари турли жанрларга мансуб ижод намуналари намойиш этилмоқда. Ушбу ижодий ишлар услубий ва мавзу жиҳатидан ажралиб туради. Суратларда болаликнинг беғубор олами, қувноқ, ажойиботларга тўла лаҳзалари қизиқарли талқин этилган. Умид Жўраевнинг "Тоғларда дам олиш", Анвар Мухохоновнинг "Она табиат ва мусаввир", Ирина Шурнинг "Тоғ водийси", Дилафруз Усмоновнинг "Куз", "Сокин сув" каби табиат манзаралари яхши таассурот қолдиради. Кўргазма мухлисларга ёш фотоиждоқкорлар авлодининг Ватанга меҳр-муҳаббатни, борлиққа муносабатни, гаройиб қизиқишлари билан яқиндан танишишларига имкон берди.

С.ҚОСИМОВА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Янглиш Эгамовага ўғли	Тўлқин РАҲМОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.
Тошкент маданият коллежи жамоаси коллеж директори Илҳом Азимовга волидаи муҳтарамаси	МАВЛУДА вяннинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.
Ўзбекистон Бадий академияси "San'at" журнали жамоаси Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси директори ўринбосари Камола Оқиловага волидаи муҳтарамаси	МАКСУДА вяннинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЁШЛИК СУРУРИ ВА ФУРУРИ

Шухрат САТТОРОВ,
Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш
вазирлигининг
жамоатчилик билан
алоқалар бўйича
мутахассиси



— Ҳар гал ортада қолаётган умр йилларим тўғрисида ўйласам, тақдиримнинг ҳар қарчиди истиклолга дахлдор эканини англайман. Мен истиклолнинг илк йилида мактабга чиққанман. Давлатимиз раҳбари ўша йиллардаёқ ўзбек ёшларининг хорижий тилларни ўрганишларига қаратган эътибори тўғрисида тилига иттиҳослашган кишлоқ мактабида таҳсил олдим. Оддий дехқон боласининг 2004-2008 йилларда Жаҳон тиллари университетида давлат гранти асосида таҳсил олгани, имтиёзлик асосида хорижда магистратурани тамомлаб келгани Бухорода дув-дув гап бўлган, кўлаб ёшларни истикбол сари интилишга бошлаган эди.

Бугун юртимиздан туриб жаҳоннинг таниқли адиблари билан тиллашмоқдам. Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Уткир Хошимов, Шукру Холмиров, Тоғай Мурод каби ўзбек адибларининг асарларини инглиз тилига, "Меноквасга мактуб", "Юнон ҳикматлари", "Муносиб ҳаёт" каби жаҳон адабиётининг дурдоналарини ўзбек тилига ўғирдим. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассиси сифатида хорижлик мутахассис-экспертлар иштирокидаги суҳбатлар, материаллар, таҳлилий-илмий мақолаларим мунтазам чоп этилади.

2015 йилда оиламизда Давлатимиз раҳбарининг ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга оид саяёҳатлари асосида бунёд этилган "Камолот" уйи топширилди. Бу чин маънода истиклолнинг ёш оилаларга қўрсатаётган энг юксак ғамхўрлиғидир десам адашмайман. Ушбу уйларда туғилиб вояга етётган, доно, соғлом ва бахтли болалар, келажакимизнинг муносиб бунёдкорлари бўлишига ишонаман.

Бизнинг фаровон ҳаётимиз учун иккиланмасдан ўз ҳаётини қурбон қилганлар бор. Истиклол миллий тарих, маънавиятга бўлган ҳурмати, бугунги хотиржамлик ва истиклолга ишонч қайта ўй-ғотди. Бугун ён-атрофимиздаги давлатларда содир бўлаётган воқеаларни кузатиб, тинч-осуда жамиятнинг фуқароси, файзли оиланинг бошлиғи сифатида бир ҳақиқатни англаяман — Яратган уни севган ва ўзи севган элнинг улуг зотлар, донишманд раҳнамолар билан сийлайди.

Олим ТҮЙЧИЕВ,
Турин Политехника
Университети талабаси

— Ҳозирги замон талаблари, ўз қизиқларимдан келиб чиқиб, робототехника соҳасини чуқур ўрганаётиман. Бу соҳа дунёда энг жадал ривожланган ва истиклолни бўлгани учун тенгдошларим ўртасида унга қизиқиш катта.

Албатта, яхши мутахассис бўлиш учун қизиқнинг ўзи етарли эмас. Бунга зарур шарт-шароитлар ҳам бўлиши керак. Мен, "Камолот" ёшлар ихтимойи ҳаракати фаоли сифатида ҳамда ўз сафдошларим номидан миннатдорчилик билдириб айтишим кераки, давлатимизда биз учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бизнинг қизиқларимизни ҳисобга олиб, 2011 йилда университетимиз қошида Ўрта Осиёда ягона бўлган "Мехатроника" маркази ташкил этилди. Мехатроника — механика, электроника ва компютер технологияларини ўзида жамлаган янги техник соҳа ҳисобланади.

Бу марказда биз ўз гоёларимизни ҳаётга татбиқ этиб, турли техник усулна ва мосламаларни ишлаб чиқаяпмиз.

Мен 2012 йилда университетимизда ҳар йили ўтказиладиган "Фан ҳафталиги" талловида "Робототехника" йўналишида ўзим ясаган робот билан қатнашиб,



фахрли 1-ўринни эгалладим.

Ушбу робот овоз орқали масофадан бошқарилиб, турли топшириқларни бажаради. Албатта, дунёда овоз орқали бошқариладиган роботлар кўп, лекин менинг роботим ўзбек тилини тушунадиган биринчи роботдир!

Камола ЗУФАРОВА,
"Ўзбекистон ҳаво йўллари"
Миллий авиакомпанияси
борт кузатувчиси

— Мамлакатимизга дунёнинг барча мамлакатларидан сайёҳлар ташриф буюришади. Улар биздан кўпинча "Юртингизнинг қайси шаҳарларига борсак бўлади?" деб қизиқиб сўрайдилар. Мен уларга "Ватанимизнинг ҳеч бир ғўшаси бир-бирига ўхшамайди, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хоразм, Қорақолпоғистон, Қўқон сингари қадимий кентларимизни, қолаверса тобора замонавийлашиб кетаётган шаҳарларимизни бориб кўришларини маслаҳат бераман.

Кўпинча бирга келган меҳмонларимиз юртларига кетар чоғларид ҳам биз билан қайтиб кетади. Уларнинг келаётгандаги қиёфаси билан юртимиз жамолидан баҳраманд бўлиб, халқимизнинг меҳр тафтини туйган бахтиёр ва мамнун қиёфалари ўртасида катта фарқни илғайман.

Бир гал франциялик Жозефина исмли аёлнинг шундай дегани ёдимда: "Мен Ўзбекистонга келаётган чоғимда мамлакатингизнинг қадимий қадимжолари, таомлари, либосларининг суратларини томоша қилган эдим. Келганимдан кейин буларни ўз кўзим билан кўриб очиги, ўта ҳайратландим. Мўъжизалар диёри-



га келиб қолгандек бўлдим. Айниқса, Бойсунга борганимда, энди буни сўз билан таърифлаш қийин. Ҳали яна Ўзбекистонга келишни кўнглимга тугиб қўйдим. Ёлғиз эмас яқинларим билан. Уларнинг шундай ажойиботлардан бебаҳра ўтиб кетишларини истамайман".

Чет элдан келган кўлаб меҳмонлар билан суҳбатда бўлганимизда улар ўзбек ёшларининг билими, савияси, дунёқараши, эришаётган ютуқлари, бугунги ва эртанги кунига бўлган ишончини кўриб ҳайратланса, қариндош-уруғчилик, ота-онага ҳурмат, маҳалла-қўйнинг яқинлигидан ҳайратлари янада ортиши шубҳасиз. Мен буларни тўқиб айтаётганим йўқ, бу фикрларга келишимга улар билан бўлган суҳбатларим сабаб бўлган.

Билсангиз, сафаримиз қариб Ўзбекистонга қайтар эканман, юрагим бошқача орзиқиб кетади. Олисдан кўрина бошлаган Ватанимизнинг жамоли олдида лол қоламан. Сафаримиз у қадар узоқ давом этмаса-да, худди юртимни, ақинларимни узоқ вақт кўрмагандек кўмсайвераман, уларнинг дийдорига ошिकман. Бир италиялик меҳмон айтган гапни шундайлигича тақрорлашни истаяпман: Ўзбекистондай диёр дунёда йўқ. Унга ҳеч қачон кўз тегмасин!

Истиқлол фарзандлари

Бобур ЗОКИРОВ,
"Ўзбекистон белгиси"
қўқрак нишони совриндори,
тадбиркор

Ёшлигимдан улуг бобокалонларимиз, уларнинг ҳаёти ва авлодларга қолдирган битмас-туганмас маънавий-маданий мерослари мени бағоят ҳайратлантириб келган. Тўғрида, ҳали-ҳануз бутун дунё уларнинг илму амалидан улғу олиб тараққиётнинг юксак чўққилари сари кўтарилар экан, нега фахр-ифтихорга тўлмаслигимиз, улардан ҳар соҳада андоза олмаслигимиз керак.

Дунё олимлари гўштни санчқиде ейишни ўрганаётган маҳалда Беруний бобомизнинг бутун Ер шарининг яхлит глобусини яратгани мени беҳад илҳомлантирган. 2012 йил ҳали талабалик пайтим, тадбиркорликка қизиқиб, оила аъзоларимга ўз режамни айтганимда, улар мени чин дилдан қўллаб-қувватлашди. Шундан сўнг "Ziyo Globus" хусусий корхонасини ишга туширдик. Дастлаб икки киши иш бошлаган корхонамиз, бугунги кунга келиб, йигирма нафар кишини иш билан таъминлаган. Ишлаб чиқариш суръати ошиб, эндиликда 20 турдан ортқ маҳсулотлар Ўзбекистон ва жаҳон бозорига етказиб берилмоқда. Маҳсулотларимиз асосан ўқув-қўргазмавий ашёлар бўлгани боис мунтазам Халқ таълими Вазирлиги билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

2014 йилда "Ташаббус" кўрик-талловида иштирок этиб, "Ёш фахрий қатнашчи", "Камолот" ёшлар ихтимойи ҳаракатининг "Ёш тадбиркор — юрта мададор" номинацияларида ғолибликни қўлга киритдик. Ўтган йили эса, "Ташаббус" кўрик-танловининг "Менинг юртим маҳсулоти жаҳон бозорига" номинациясида ғолиб деб топилдик. Шу ўринда нафақат мен, балки барча ёшларимиз муваффақиятининг асоси — муҳтарам Юртбошимизнинг биз ёшларга бераётган имкониятлари, юксак ишонч ва эътиборларини таъкидлашни ўзимнинг бурчим дея ҳисоблайман. Бунга ёрқин мисол сифатида кичкина муваффақиятимизга юксак баҳо бериб, "Ўзбекистон белгиси" қўқрак нишони билан тақдирланганим, шу билан бирга тадбиркорлик субъектимиз маҳаллийлаштириш дастурига киритилиб, 2019 йилга қадар барча солиқлардан озод этилганлигининг ўзи мен учун юксак эътибордир. Мана шу эътибор ҳосиласи ўлароқ "Кўёш панеллари" лойиҳамни амалга ошириш устида изланиш олиб бораётман. Ишончим комилки, бу лойиҳам ҳам халқимиз ва серқўёш Ўзбекистонимиз учун янги қулайликлар яратишга хизмат қилади.



Шамсиддин ВОХИДОВ,
14 ёшгача бўлган болалар
ўртасида жаҳон чемпиони



— 2014 йил май ойида Тошкентда ўтказилган 8-Георгий Аъзамов хотира турнирининг биринчи турида арманстонлик 23 ёшли халқаро гроссмейстер Роберт Оганесянни мағлуб этиб, барчани ҳайратга солдим. Сабаби, бу пайти менинг рейтингим 2063, рақибимники эса 2613 эди! Қолаверса, ёшим ҳам ундан 11 ёш кичкина — 12 ёшда эдим. Шахмат оламида камдан-кам учрайдиган бундай воқеага ғувоҳ бўлган халқаро мусобақа бош ҳаками россиялик Михаил Крюков шундай деди: "Мана шу болакайнинг бугунги ютуғининг ўзиёқ ушбу турнирнинг ўтказилишини бутунлай оқлаб юборди. Ўзбекистон талантиларга бойлигини билардик. Бугунги ўйинлар буни яна бир қарра исботлади".

Хиндистон, Эрон, Арманистон, Украина, Россия, Венгрия каби шахмат анча ривожланган давлатларнинг ғолиблик учун даввогарлик қилган ёш уста шахматчилари орасидан маррага бирорта ҳам мағлубиятсиз биринчи бўлиб етиб келдим.

2015 йилнинг Грециянинг Халқидики шаҳрида ноябр ойида ўтказилган Болалар ва ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 1-ўринни эгаллаб жаҳон чемпиони бўлдим. Буларнинг ҳаммасига юртимизда яратилиб берилаётган имкониятлар сабабли эришаётганим менга қувонч бағишлайди. Бундан кейин ҳам ўз устимда тинимсиз ишлашман, устозларимдан ўрганишим керак бўлган билимлар,

шахматнинг сирлари ҳали кўп. Спорт соҳасидаги энг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлиб турушимиз учун чет тилларини билишимиз, айниқса, фойдали бўляпти. Инглиз тилини янада мукамал ўрганишга ҳаркат қилаяпман. Келажакда бошқа тилларни ҳам пухта ўзлаштиришни олдимга мақсад қилиб қўйдим. Халқаро турнирларда чет элдан келган меҳмонлар билан уларнинг она тилида гаплашганимизда, улар ҳайрон бўлиб, сизлар спортчимисизлар ёки тилшуносми, деб сўрашди. Биз эса, уларга ёшларимизнинг аксари бугунги кунда бир неча чет тилида мукамал сўзлаша олиши, бунинг асосий омил бўлиб, юртимизда ёшларга яратилаётган улкан имкониятлар эканлиги ҳақида гапириб бердик. Улар бу фикрларимизга дастлаб ишонқирамагандай бўлишди, бироқ бир неча мактаб ўқувчиларининг уларга инглиз тилида салом бериши ва улар берган саволларга қийнамай жавоб қайтариши меҳмонларимизни астойдил ҳайратда қолдирди.

Кумуш АБДУСАЛОМОВА,
ЎЗМУ Журналистика факультети талабаси

— Ҳеч иккиланмай айтишим мумкинки, бизнинг фарзандларвар Ўзбекистонимизга ўшаган, ғамхўр ва маърифатпарвар давлат Ер қуррасида бошқа учрамаса керак. Тенгқўрларим ва ука-сингилларимни кўриб уларга: "Бахтли мамлакатнинг бахтиёр фарзанди", дегим келади. Эътиборини тортган томони, ҳозирги замон ёшларининг ҳар жабҳада хуусан спорт, илм-фан, техника ва дунё тилларини қийнамай ўлаштираётганлиги бўлса, иккинчи жиҳат уларга ҳар томонлама далда бўлиб, ҳар жиҳатдан қийин инсон бўлиб улғайиши йўлида олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг инъикоси деб ҳисоблайман.

Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилиб келинаётган "Истеъдод мактаби" семинари қўллаб-қувватлашга қўлдошларни кашф этмоқда. Ойбек, Гафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор сингари устозларимиз қадами қолган Дўрмон боғидаги ушбу семинар ҳаётимда чуқур из қолдирди. Атоқли устозларнинг йўл-йўриқ, ўғитлари келажакдаги ижодий изланишларимизда ақолиши шубҳасиз. Ушбу учрашуларда муносиб деб топилган ижодий ишлар кўп минг нусхада чиқариладиган "Birinci kitobim" лойиҳасида чоп этилади. Бундай бахта ўтган 2015-йилда кўрсатилди. Семинарда устозлардан бири ўзининг илк китоби ўттиз тўққиз ёшида чоп этилганини эслади. Менинг биринчи китобим ўн тўққиз ёшида чоп этилди. Истиқлол менга бу бахтни йигирма йил олдинроқ берди.

Жиззах вилояти Жиззах тумани "Олмачи" қўрғонидаги ҳарбий қисмдан уйимизга хат келди. Хат мазмунига кўра, китобим аскар оғаларимизга манзур бўлган эди. Ана шунда, ёшларга бўлган эътиборнинг ҳақиқий кучини ҳис этдим. Мўъжизагина китобчам Республикаимизнинг ҳар бир бурчагига етиб борганига амин бўлдим, беихтиёр кўзларимга қувонч ёшлари қалқиди.



Саҳифани **Ж.ЖАҲОН** ва **А.ЧИНМИРЗАЕВ** тайёрлади.

"МАЪНАВИЙ ҲАЁТ"

2015 йил, 4-сон

Журналнинг навбатдаги сонидеги илк мақола Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган "Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат" номи раисолисига бағишланган. Мақола муаллифи профессор Абдуҳали Маврулов мазкур рисолада мамлакатимиз-

да демократик тараққиётнинг муҳим жиҳатлари, бундан кейинги ривожланиш йўллари тўғрисида жиддий таҳлилларга асосланган хулосалар берилганини алоҳида таъкидлайди.


Халқимизнинг кўп асрлик тарихий таърибаси ва маънавий-маърифий қадриятлари ҳамда бой миллий-хуқуқий мероси асос қилиб олингани Ўзбекистон Конституциясининг ҳаётийлиги кафолати экани юридик

фанлари доктори, профессор Акмал Саидовнинг "Конституция ва маънавият" сарлаҳали мақоласида батафсил таҳлил қилиб берилган.

Буюк аждодларимиз меросини ўрганиш йўлида изланиб келаётган Бобур халқаро жамоат фонди ва илмий экспедицияси аъзоларининг амалга ошираётган ишлари кўлами ҳар жиҳатдан салмоқли ва қувонарли. Фонд раиси Зокиржон Машрабовнинг

"Унутма, доимо руҳимни шод эт" сарлаҳали мақоласида халқаро илмий экспедициянинг навбатдаги эзгу, савобли ишлари ҳақида хикоя қилинган.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти ёритилган Хондамирнинг "Мақорим ул-ахлоқ" асари ҳақидаги С.Холбековнинг "Олижаноб хулқлар олами", ЎзФА Астрономия институти ва унинг фидойи олимлари фаолияти



ёритилган Б.Қобуловнинг "Сирли осмон остонасида", халқаро олимпиада совриндор бўлган ўзбек ёшларининг изланишлари тўғрисида хикоя қилинган Г.Намозовнинг "Нолдан олтингача: чемпионликнинг узун йўли" мақолалари журнал мундариҳасига алоҳида салмоқ бағишланган.

Пойтахтимиз кўрқига кўрк қўшиб турган биноларнинг айримлари пештоқиға "битилган" антиқа номлар, хориз сериалларидан "тарбия" олаётган она-болалар ва бундай сериал-

Журналларни варақлаганда

ларга "қарам" бўлиб қолиш оқибатлари, замонавий телефонлар орқали тарқатиладиган гайриахлоқий фото-видеоларнинг ёшларга салбий таъсири ҳақида қуноиб ёзилган М.Исмаилов ва Ш.Рофияева ҳамда А.Рўзимов мақолалари долзарб муаммоларга эътиборингизни тортади.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонидеги атоқли адибимиз Асқад Мухторнинг "Хат ёзиб турасизми?" сарлаҳали мақоласи, томоша-бинларга манзур бўлган миллий телесериаллар муаллифи Зами-

ра Бегимқулова билан суҳбат, америкалик адиб А.Маклишининг "Китобнинг қудрати" мақоласи (Ҳ.Карвонли таржимаси), Биби Робинанин "Глобус" театрининг поитахтимизга ташрифи ҳақидаги кузатишлари, И.Саидовнинг машҳур француз адиби Антуан де Сент-Экзюпери ҳаёти ва ижоди, Ж.Эшонкулиннинг қўқна қадриятларининг халқ достонларидаги бадиий талқинлари мавзусидаги мақолалари ҳам журналнинг ушбу сонини мундариҳасини бойитган, унга ранг-баранглик бағишлаган.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



ҲОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Талқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Иجتимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахририятга келган қўлезмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтаришмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.


Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Журабек ЖАНГИРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа
ижодий уйи босямахонаси.
Босямахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.19

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адади — 7143. Бўғимига 5 — 5020. Ҳақини — 3 босяма табоқ А-2.
Навр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНАЛАРИ
ЧИҚАДИ.



СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2381-634X

